

ТОШКЕНТ ОҚИШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 258 (6. 149)

1986 йил 10 ноябрь, душанба

Баҳоси 3 тийин

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Бир корхона янгиликлари

Мусобақа — коммунистлар эътиборида

«Средазкабель» ишлаб чиқариш бirlашмаси партия комитетида ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини янада яхшилашда социалистик мусобақанинг таъсирчанлигини ошириш масаласи кўриб чиқилди. Йилгиликда сўзга чиққан корхона партия комитетининг секретари А. В. Перикшич, секретарь ўринбосари Ю. Н. Яцев, шунингдек коммунистлардан И. Розиков, Н. Мостовой, А. Чебуринов ва бошқалар КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномаси асосида мусобақанинг аҳолининг атрофида тахлил этилди. Мусобақани ташкил этишдаги камчилик ва нуқсонларни очиб ташлашди.

Айниқса, 02 ва 01-цехларда бу борадаги ишлар кўнгилдагидек бормайётганлиги жиддий таъкид қилинди. Мазкур цехларнинг партия ташкилотлари секретарлари А. Холосов ва Р. Зуваваларга мусобақани ошқоралигини кучайтириш, уни ташкил этишдаги ҳар қандай расмийликка барҳам бериш, мусобақага чиқамак илҳом ва жанговарлик руҳини бахш этиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Шунингдек мусобақани яқинлаш шартларини таъминлаштириш таъсир этилди.

Кун тартибиди — сифат масаласи

Махсулот сифатини яхшилаш масаласи корхона партия комитетининг навбатдаги йилгиликда кўриб чиқилди. Унда бirlашма бош директорининг махсулот сифати бўйича ўринбосари М. Х. Раҳимов ҳисоб берди. Йилгиликда сўзга чиққан О. Қондратьев, В. Вержалич ва бошқалар махсулот сифатини оширишнинг резервларига, улардан фойдаланиш масалаларига тўхталиб ўтилди. Корхонада ишлаб чиқарилаётган кўпгина махсулотларнинг ҳозирги даражаси ҳали юксак талабларга жавоб бермаслиги, бунга ҳалқат бераётган камчилик ва нуқсонлар ҳақида ошқорлашкор юриштирилди.

Корхонада юксак сифат учун курашнинг имкониятлари кўп. Бунинг учун, энг аввало, таъсирчан мусобақани пухта йўлга қўйиш керак. Янги йилдан бошлаб махсулот сифатига талабни янада кучайтириш учун корхонада давлат қабул қилиш группасини ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Партокм қабул қилган ҳар қандай корхона маркази шараф учун курашиш, бунда коммунистлар етакчилиги ролини ошириш ва бошқа муҳим тадбирлар белгиланди.

Даъватга амалий жавоб

КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномаси эълон қилинганида партиянинг бу даъватига амалий иш билан «лаббай» деб жавоб бериши корхонанинг кўпгина коммунистлари ўларнинг ватанпарварлик бурчи деб билдилар. Ишчи ва хизматчилар ўн иккинчи беш йиллик ва унинг туғиш йили планларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани кенг тус олдириб, ватанпарварлик ташаббуси билан чиқдилар.

01 цехи ишчиси В. Гончаренко, 02 цехининг ишчиси В. Назаров ва бошқалар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига беш йилликнинг иккинчи йили планини бажаришга аҳд қилдилар.

Улар партиямиз даъватига жавобан ўз иммаларига қабул қилган янги социалистик меҳбурятларини муваффақиятли адо этишга, дейди корхона партия комитети секретарининг ўринбосари Ю. Яцев. — Корхонанинг унлаб ишчилари ўз иммаларига оширилган меҳбурятлар қабул қилиш, шу кунларда вақтдан ўзиб ишламоқдалар.

Х. АҚРМОВ.

Область партия комитети бюросининг навбатдаги мажлисида областда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ишдаги жиддий камчиликлар тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Шу нарса таъкидландики, шаҳар, район партия комитетлари, шаҳар, район ижroiя комитетлари, автоусти-порт корхоналарининг раҳбарлари, уларнинг бошланғич партия ташкилотлари авто-транспорт ишчи авариясиз ташкил этиш учун лозим даражада тартиб ўрнатиш юзасидан коммунистлар ва лавозимли шахслар масъулиятини ошириш бўйича КПСС Марказий Комитети қарорларидан зарур қўлсиз чиқариб олмаганлар, ўз иш форма ва методларини низоҳатда суи қайта қўймоқдалар. Областа йўл-транспорт ҳодисалари сони камаймаслиги, оғир оқибатларга олиб келган бундай ҳодисалар ортиб бормоқда.

Вужудга келган аҳвол ана шундай кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш юзасидан қонқирсиз иш олиб борилаётганлиги, автоуҳуликларда қўрилаётган тадбирлар самарадорлиги оқибатидир. Давлат автотранспорт инспекцияси органлари йўл ҳаракатининг тўла хавфсизлигини, автотранспорт воситалари техник ҳолати устида назоратни таъминламоқдалар, автотранспортдан фойдаланиш ва уларни сақлаш ҳақида йўл ҳаракати қондаларини бузавётган раҳбарлар ва ҳайдовчиларга нисбатан лозим даражада талабчанлик қилма-яптилар.

Тошкент, Ангрен, Чирчиқ, Янгийўл шаҳарлари, Коммунист, Пискент ва Янгийўл районларида жамоат транспортда авария кескин кўпайди. Автобусларнинг 10 процентдан ортироғидан носоз ҳолда фойдаланилмоқда, бу йўл ҳаракати хавфсизлигининг бузилишига олиб келмоқда.

«Главлташкентстрой»да ҳар икки ҳайдовчининг бири бу йил йўл ҳаракати қондаларини бузилишига йўл қўйди. Ҳаракат хавфсизлиги хизмати йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш юзасидан профилактика ишларига бўш раҳ-

барлик қилмоқда, йўлларда текширишлари камдан-кам ўтказмоқда. Контроль хизмати бўлиmlари ҳайдовчилар транспорт интизомини бузавётганликлар билан келишиб келмоқдалар. Автотранспорт корхоналари партия ва касба-союз ташкилотлари ўзларини бу масалалардан четга олиб турибдилар, рўй бераётган ҳодисаларга етарли, принципиал баҳо бермаётганлар.

Шахсий транспортда авария қилиш ҳамон кўп учраб турибди. Халқ депутатлари шаҳар ва район Советларининг ижroiя комитетлари жуда кўп сонли ана шу тонфа ҳаракат қатнашчилари билан етарлича иш олиб бормайптилар, йўловчилар ўртасида хавфсизлигини таъминлаш юзасидан минскиликлар таърибасидан фойдаланмаётганлар.

Бошларнинг йўл-транспорт ҳодисаларидан шикостишнинг олдини олиш иши ёмон аҳволда. Қишлоқ жойларда йўл ҳаракат хавфсизлигини кучайтириш юзасидан профилактика тадбирларини область агро-саноат комитети, колхоз ва совхозлар жуда ёмон бажармоқдалар. Натижада автотранспортнинг, хусусан, тракторларнинг техник ҳолати, ҳайдовчилар ва меҳнатсўроқлар интизом талабига сира жавоб бермайдиган даражада бўлиб қолмоқда.

Область автомобил транспорт йўллари, айниқса, колхоз ва совхозлардаги йўллар қонқирсиз аҳволдадир. Айрим шаҳар ва район партия комитетлари мавжуд камчиликлар билан муроасозлик қилиб келмоқдалар, бу масалаларни бюро мажлисларида муҳокама қилмайдилар, ана шу масалаларга масъул бўлган коммунист раҳбарларга нисбатан талабчанликни бушатириб юборганлар, транспорт корхоналари ишдаги нуқсонлар ва камчиликларга баҳо бермайдиганликка йўл қўймоқдалар.

Область партия комитети область территориясида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ишчи қонқирсиз деб топди.

Ўзбекистон Компартияси Олмалиқ шаҳар комитети бюросига (ўртоқ А. Абдувосиков) автотранспорт ишчи хавфсизлигини таъминлаш учун жавобгар бўлган Олмалиқ химия заводи раҳбарлари фаолиятига ўз вақтида баҳо бермаганлиги ва либералликка йўл қўйганлиги кўрсатиб ўтилди.

Область ижroiя комитети раисининг биринчи ўринбосари О. Г. Айдаков ва Тошкент шаҳар ижroiя комитети раисининг ўринбосари Ш. Р. Шабдурахимовларнинг эътибори ўз ишларини низоҳатда суи қайта қўриб қўйганлиги, йўл ҳаракати хавфсизлиги тадбирларини бажариш юзасидан назоратни бушатириб юборганликларига қаратилади.

Автомобиль йўлларининг қонқирсиз аҳволда қолиб кетмаётганлиги, давлат автотранспортининг мавжуд камчиликларини бартараф этиш юзасидан оғоҳлантиришларига эътибор бермаганлиги учун Тошкент область автомобил йўллари қўриш ва фойдаланиш бошқармаси бошлиғи А. П. Горчаевга қаттиқ ағовдор эълон қилинди, эгалаб турган ваъдасидан бушатирилди.

Автомобиль йўллари ҳолатининг ёмонлашгани ва бу йўллар талаб даражасида сақланмаётганлиги учун магистраль автомобил йўлларидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Д. А. Мирзобоевга ағовдор эълон қилинди. Йил охиригача аҳолини яхшилаш ҳақидаги унинг ваъдаси эътиборга олинди. Транспорт трестлари ва автомобил транспорт министри бошқармаларининг раҳбарлари Ф. Т. Парпихужаев, С. М. Юсупов, М. М. Алиев, В. А. Исмаилов ўртоқларнинг автотранспортда ҳаракат хавфсизлигини ошириш юзасидан зарур чоралар қўриш ҳақидаги улар берган ваъда эътиборга олинди.

Тошкент шаҳар ижroiя комитети солиқни сақлаш Бош бошқармаси, область солиқни сақлаш бўлимига йўлга чиқиш олдиндан ҳайдовчиларни ўз вақтида ва пухта медицина кўригидан ўтказиш учун назоратни кучайтириш, автокорхо-

наларда медицина постлари кадрларини мустаҳкамлаш топширилди.

Касаба-союз ташкилотларининг автотранспортда алкогольизмга қарши кураш, транспорт корхоналарида соғлом турмуш учун кўнгилли жамиятларини тузиш соҳасида етарли иш олиб бормайётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Тошкент область ижroiя комитети ва Тошкент шаҳар ижroiя комитети ички ишлар бошқармалари давлат автотранспортининг бошқармалари М. М. Аҳмедов ва М. А. Ваулиннинг ўзларига қарашли хизмат бўлиmlарида мавжуд камчиликларини бартараф этиш тўғрисида берган ваъдалари эътиборга олинди.

Область ижroiя комитети ва Тошкент шаҳар ижroiя комитети ички ишлар бошқармаларининг бошқармалари Р. Сантбев ва В. Клапушевский ўртоқларининг олдини олиш, ҳайдовчилар ўртасида интизомни мустаҳкамлаш учун давлат автотранспорт инспекцияси органлари ҳодимларига нисбатан талабчанликни суиштириб юборганликларини жиддий кўрсатиб ўтилди.

Бюро область автомобил йўллари қўриш ва фойдаланиш бошқармаси, магистраль автомобил йўлларидан фойдаланиш бошқармасига, Тошкент шаҳар ижroiя комитети ободо-наштириш бош бошқармаси, давлат автотранспорт инспекцияси органлари билан бирликтида бир ойлик муддат ичиде шаҳарлар ва аҳоли пунктларидаги автомобил йўллари ҳақида кўчаларни кўздан кечириб, уларда мавжуд камчиликларни тугатиш, бу кўча ва йўллари қиш даврида фойдаланишга тайёрлаш, уларни хавфсизлик талабларига мос даражада бўлиш учун қўшимча тадбирлар қўриш ваъдасини юкляди.

Шаҳар ва район партия комитетларига йўл ҳаракати хавфсизлиги аҳоли, учун коммунист раҳбарлардан талабчанликни ошириш топширилди.

Область партия комитети бюроси бошқа масалаларини ҳам кўриб чиқди, улар юзасидан етарли қарорлар қабул қилинди.

Ўз ишлаб чиқариш базаси остидаги капитал маблағларини мунтазам равишда ўзлаштирмаганлиги, 1987 йилги объектларни лойиҳа-смета ҳужжатлари билан белгиланган муддатда таъминламаганлиги учун шаҳар партия комитети бюроси «Главлташкентстрой» бошқармаси Б. Р. Жилинскийга ағовдор эълон қилди.

Бюро В. Е. Зак ва Б. Р. Жилинскийларни рўй берган аҳволни тузатиш таъминламаган тақдирда уларга нисбатан партиявий таъсирнинг янада жиддийроқ чоралари қўрилиши ҳақида оғоҳлантирди.

Мазкур масала юзасидан қабул қилинган қарорда 1987 йилги капитал қўриш планини тузиш ишларини жорий йилнинг 1 декабригача тамомлаш бўйича энг зарур тадбирлар белгиланди.

Бюро мажлисида партиявий ишнинг, шаҳар социалистик ҳаётининг бошқа масалалари ҳам қўрилди. Бюро мажлисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари В. Н. Лобко, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қўриш ва шаҳар хўжалиги бўлими мудирининг ўринбосари М. Х. Юсупов, Тошкент область партия комитетининг секретари В. Г. Гордиенко қатнашдилар.

Замондошимиз



Бугун — Совет милицияси кўни

ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНИ

Болалар уни кўрганда бир-бирини туртиб шу сўзни айтади: «Қара, қараларинг, милиса келяпти». Кейин эса одоб билан салом беришади.

Катталар кўрганда эса, салом беришмаса ҳам, бирибир кўнгилларидан шу сўзлар кечиси табиий: «Шулар ҳам бор бўлсин-ей...»

Бу сўзлар милиционерлик формасини бир умр ишонч ва сардор рамзи, жамият ва одамлар олдидан бурч рамзи сифатида қийиб юрган хотиржамлик, осийишталигимиз посбонларига билдирилган ҳурмат ва шукронанинг оддий ифодасидир.

Нурилла Мирхўжаев ўзининг ўнлаб, юзлаб, минглаб ҳамкасблари орасида ҳеч нарсаси билан ажралиб турмайди. У ҳам бошқаларга ўхшаб одам. Оиласи, бола-чақалари бор. Ишдан қайтаётган пайтда у ҳам бозорга боради, рўзғори учун у-бу харид қилади. Қўзқоқлардек бир-бирга ўхшаб учта боласи бор. Учин ҳам ўғил. Кенжатоин айниқса, жуда ҳам ийик. Ақсизнинг милиционерлик формаси унга барбери: йилгаваради, ўнарларча йилгаваради. Шунинг учун унга келганда ҳам баъзан формани ечмай турб

боласини овутиди. Хуллас, ўз оиласи постида ҳам посбон. Бедор ўтказган тунларини бу кенжатоин катта бўлганда биларманин — йўқми, бу унинг ўзига ҳавола.

Н. Мирхўжаев 1980 йилдан бери Тошкент шаҳар Совети ижroiя комитетининг ички ишлар бошқармасининг патруль-посбонлик хизматида ишлаб келмоқда. Хизмат жойи: шаҳримизнинг 1/2 Қорақамиш массиви. Кўча, уйлар, хонадонларнинг тинчлиги, дахлсизлиги унинг вазифасига киряди. Шунинг учун қалти азизларда ҳам эсанкираб қолмайди. Вазифасини ҳалол бажаради. Шунинг учун болалар уни кўрганда салом бериб ўтишади, катталар эса... салом беришмаса ҳам, ҳартугул хотиржамлига ишларига бориб келишади. Тинч ухлашади. Бундай осийишталикка нима етсин...

СУРАТДА: ички сержант Н. Мирхўжаев. С. САИДОВ.

Т. Каримов фотоси.
Совет милицияси кўнига бағишланган бошқа материалларни газетанинг 3-сифасида ўқисиз.

ПАХТАКОРГА МАДАДКОРМИЗ

Зарбдор меҳнат билан

Мухбирларимиз Т. Тошев, Р. Нуъмонов, Т. Каримов Тошкент, Жиззах ва Сирдарё областларидан хабар берадилар:

Абдалли номли совхоз пахтазорларида қайноқ ҳаёт нафаси уфурди. Шу кунларда совхоз далалари ҳашарчилар билан янада тавжумуллаш кетган. Улар совхознинг қоқ олтин ижroiясини уйишда қўлақувларга яқиндан ёрдам бермоқдалар. Бу ерда Тошкентдан борган ўрта махсус ўқув юртиларнинг студентлари эър ғайрат-шивожат кўрсатмоқдалар. Район пахта штабиде биринчилар қатори Тошкент савдо техникуминини тилга олдилар. Бу техникумининг 300 дан ортиқ студенти пахтазорларда кўтаринки руҳ билан меҳнат қилляпти. Улар ана шу ўрта махсус ўқув юртилари ўртасида йўлга қўйилган социалистик мусобақада пешқадамлик қилиб, беш кунлик иш якунига, Оқ олтин район партия комитети, район Совети ижroiя комитети ва район комсомол комитетининг қўйма Қизил байроғи ва 200 сўм пул мукофотиға сазовор бўдилар.

— Студентларимиз, — дейди штаб бошлиғи О. Солиқов, — Улуғ Октябрнинг 69 йиллигини пахтазорда катта муваффақиятлар билан кўтиб олдилар. Уларнинг шу кунгача тегган пахтаси 300 тоннадан ошиб кетди. Кўнига ҳар бир ўқувчи 50 килограммдан зиёд пахта териб бермоқда. Олим Дўстметов, Анвар Эргашев, Муассар Отамонова, Музаффар Дўстметов каби студентларимиз ВЛКСМнинг бўлажак ХХ съездини муносиб меҳнат артуғонлари билан кўтиб олишга аҳд қилганлар. Бу илгорларнинг ҳар бири кўнига 100 килограммдан зиёд пахта териб топширляпти.

Бу муваффақиятлар бежиз эмас, чунки совхозда ҳашарчиларнинг беракли меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб қўйилган. Студентлар бўш вақтларини кўнгилли ва мазмунли ўтказмоқдалар. Техникум бадий ҳаваскорлари ҳар кўни ишдан сўнг янги-янги концерт программаларини намойиш этишмоқда, телевизорлар бори. Ҳафтасига беш марта кино кўйиб бериляпти. Пойтахтнинг

Фрунзе райпишкеторги эса бўлажак савдо ходимларининг ҳолидан хабар олиб турибди. Қўйма дўконлар озиқ-овнат ва саноат моллари билан савдо қилмоқда. Ўқувчиларга медицина ва мажшир хизмат кўрсатляпти. Бу гамхўрликларга ҳашарчилар юксак унун билан меҳнат қилмоқдалар. Мазкур совхозда меҳнат қилаётган учат-бухталарни, геолого-разведка, юридик техникумлари кунлик ўсишда савдо техникуми талабаларидан ортада қолишмаляпти. Оташқалб комсомол-ёшлар «Отуқларимиз, эърбдор меҳнатини — ВЛКСМ ХХ съезди шарафига!» демокдалар.

...Пахтазорда ҳаёт қайнайди. Машинамиз кенг асфальт йўлга чиқиб, Жиззах области томон йўл олди. Аммо «зантори» кемаларининг гуриллаш, ҳашарчиларнинг ҳазил-мутойбалари, шўх кўлгилари, қўйинчи, пахтазордаги катта меҳнат симфонияси қўлоқлар остида жаранглаб туради.

СУРАТЛАРДА: Тошкент савдо техникуми студентлари Сирдарё областининг Оқ олтин району пахтазорларида.



 ОҚ ОЛТИН — ВАТАНГА			
Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 9 ноябрга бўлган			
МАЪЛУМОТ			
(Планга нисбатан процент ҳисобида)			
Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён.			
ФАРФОНА	0,26	103,69	Республика
ТОШКЕНТ	0,29	103,22	бўйича:
			0,49
			84,44

